

---

## Дахлдорлик туйғуси

Ўзбекистон туманилик “Фидокор ёшлар” волонтерлик гуруҳлари коронавирус инфекцияси тарқалишини олдини олиш мақсадида амалга оширилаётган тадбирларда яқиндан кўмак бермоқда.



Ёшлар иттифоқи ташаббуси билан кўнгилли ёшлардан тузилган волонтерлар гуруҳлари жамоат жойларида, туманда ташкил этилган вақтинчалик карантин постларида дезинфекция ишларини амалга оширишда СЭОМ ходимларига асосий кўмакчи бўлмоқда.



Шунингдек, ёшлар маҳаллаларда аҳолини бугунги вазиятда мавжуд қонун-қоидаларга ва гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиш борасидаги тарғибот ишларида фаол иштирок этишмоқда.

**Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати**

2020-04-06 13:37:52